



104

Q A R O R - Q A R O P

2001 yil «15» май

№ 194-к

«Хожибобо» хусусий тижорат ишлаб чиқариш фирмасига автомобилларга ёкилги қуйиш шахобчаси қуриш учун 0,10 га ер майдони ажратиш тугрисида»

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»-нинг, 23 моддаси «Галаба» жамоа хужалигининг 23 март 2001 йил 1 сонли умумий вакиллар йиғилишининг қарори, туман ер танлаш ишчи гуруҳи томонидан тузилган далолатномаси, ҳамда «Хожибобо» хусусий тижорат ишлаб чиқариш фирмасининг туман хокимлигида қайд қилинган алоқа хатига асосан :

Қ А Р О Р К И Л А М А Н :

1. Самарқанд шаҳар Темирийул туман «Хожибобо» хусусий тижорат ишлаб чиқариш фирмасига автомобилларга ёкилги қуйиш шахобчаси қуриш учун кишлоқ хужалигида фойдаланмайдиган 0,10 га ер майдони ажратиш ҳақидаги «Галаба» жамоа хужалигининг 2001 йил 23 март 1 сонли умумий вакиллар йиғилишининг қарори тасдиқлансин.
2. «Хожибобо» хусусий тижорат ишлаб чиқариш фирмасига ажратилган ер майдонда автомобилларга ёкилги қуйиш шахобчасини қуришдан олдин қатъий равишда лойиҳа ва меъёрий талаблар тупланмасини тайёрлаб, Давлат қурилиш экспертизаси, Давлат меъморчилик қурилиш назорат инспекцияси руйхатидан утқазилгандан сунг лойиҳа хужжатларни туман бош меъмори билан келишилган ҳолда қуриш, ҳамда савдо қилишда туман солиқ инспекциясида хужжатларни расмийлаштириб савдодан тушган нақд пулни туман банкида ҳисоб рақами очиб топшириш юқлатилсин.
3. Ушбу ажратилган ер майдонида қурилиш ишларини бажарилгандан кейин вилоят хокимлиги «Ўздавнефтмахсулот» бирлашмасининг рухсатини олгандан сунг фаолият курсатишда рухсат берилсин.
4. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг уринбосари Ф.Ражабовга топширилсин.



*Р.Хакимова*

Р.Хакимова